



THE ROLE OF THE FORENSIC PATHOLOGIST IN THE SCENE EXAMINATION

S. Q. Jumaev

senior lecturer

Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan
Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: investigation, corpse, incident, evidence, examination, trial.

Received: 29.10.24

Accepted: 31.10.24

Published: 02.11.24

Abstract: In the article, have discussed issues of carrying out investigation acts, view location of corpse, finding, collecting and packing of material evidence, court –medical examination.

ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА СУД ТИББИЁТ ЭКСПЕРТИНИНГ РОЛИ

C. K. Жумаев

катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиши академияси
Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тергов, мурда, воқеа, далиллар, экспертиза, суд.

Аннотация: Мазкур мақола тергов ишларини олиб бориш, мурда топилганда воқеа жойини кўздан кечириш, ашёвий далилларни аниqlаш, қадоқлаш ва тўплаш, суд-тиббий экспертизасини ўтказиш масалалари ёритилган.

РОЛЬ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОГО ЭКСПЕРТА В ОСМОТРЕ МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ

C. K. Джумаев

старший преподаватель

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан
Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: расследование, труп, происшествие, доказательства, экспертиза, суд.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы проведения следственных дел, осмотра места нахождения трупа, установления,

собирания и упаковки вещественных доказательств, проведения судебно-медицинской экспертизы.

Ўзбекистон Республикасида 2017-2021 йилларга мўжалланган ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган жадал ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётида янги босқични бошлаб берди ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш заруратини энг юкори даражага кўтарди ва у ўз навбатида, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида конунийликни тизимли равишда мустаҳкамлашни ва давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатини амалга оширишни муҳим ва замонавий йўналиш шаклларига эътибор қаратилишини тақазо этади.

Жиноятларни, айниқса ноаниқ шароитларда содир этилган қилмишларни тергов қилишда терговчилар суд экспертизаси имкониятларидан анча фаол фойдаланадилар. Зоро тергов олиб бориш жараёнида аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга алоқадор саволларга илмий асосланган ҳолда жавоб олиниши лозим. Шу нуқтаи назардан, тергов ва суд органлари суд-тиббий экспертиза тайинлашда ҳал этилиши керак бўлган саволларни суд-тиббий экспертларнинг билим ва имкониятларидан четга чиқмаган ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида саволларни шакллантириш ва материалларни тақдим этилиши суд тиббиёти соҳасида билимга эга, ушбу соҳа мутахассислигини биладиган, уни чуқур тушуна оладиган мутахассиснинг жалб этилиши лозимлигини тақозо қиласи. Суд тиббиётининг нозик ва профессионал жиҳатларини билган мутахассисгина ҳодиса содир бўлган жойни ёки мурдани кўздан кечиришда, иштирок этиши тан жароҳатларини, далилий ашёларни тўғри расмийлаштириш ва объектив баҳолашда ёрдам бериши мумкин. Шу билан бирга мутахассис, тергов ишларини олиб бориш жараёнида шахснинг ўзини тутишига ёки суд жараёнида унинг ҳаракатларига қараб тегишли холоса ҳам бериши мумкин.

Бу ўринда суд тиббиёт экспертизалари жиноятни очиш, тергов қилиш, жиноятчига нисбатан адолатли жазо тайинлаш масаласини ҳал этилишини таъминлаш мақсадида тан жароҳатларини келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, инсон рухиятидаги ўзгаришлар ёки таъсирлар, ўлимга олиб келган омилларни тадқиқ қилиниши ва ўрганилиши билан катта аҳамият касб этишини ҳам ёдда тутиш лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан мақсад воқеа ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни аниқлаш, тўплаш ва расмийлаштиришдан, жиноят белгилари мавжуд бўлганда, жиноят ва жиноятни содир этган шахс ҳакидаги маълумотларни аниқлаш учун терговга қадар текширув давомида изларни ва ашёларни, аниқлаш учун ҳодиса жойини ўрганиш ва кўздан кечириш амалга оширилади. Кўздан

кечириш бу ўзига хос тергов ҳаракати бўлиб, уни бошқа тергов ҳаракати билан алмаштириб бўлмайди. Зеро кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳодиса жойи ҳолатини тўлиқ текшириш, бирорта ашёвий далилнинг назардан четда қолмаслиги ва баённомада қайд этилиши тақазо қилинади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёргарлик босқичида терговчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қуидагилардан иборат.

Ҳодиса содир бўлган жойига боришидан олдин: ҳодисанинг умумий ҳолатлари, кўздан кечириш ўтказиладиган жойдаги аҳвол ва шароит тўғрисида маълумот олиш, ҳодиса рўй берган жойни қўриқлаш чораларини қўриш, кўздан кечиришда иштирок этишга судтиббиёт соҳасидаги мутахассисни жалб этиш ва техник-криминалистик воситаларни тайёрлаш.

Ҳодиса жойига этиб келганда терговчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар қуидагилар: жабрланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш, жиноятчини “излари совимасдан” ушлаш чораларини қўриш, ҳодисадан биринчи бўлиб, хабар топган шахсларни, шохидларни ва рўй берган воқеа ҳақида маълумотга эга бўлган шахсларни сўраб-суриштириш, воқеа содир бўлган жойдан бегона шахсларни четлаштириш, иштирокчиларга йўл-йўриқ курсатиш ва уларнинг вазифаларини белгилаб бериш.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда суд-биологик экспертизалари учун олинадиган объектлар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Хусусан ҳодиса жойида қон ва қонга ўхшаш доғлар топилса ушбу жойдан тоза бинтга шимдирилади ва қуруқ ҳавода хона темпратурасида қуритилиб тоза пакетга солинади терговчи ҳамда шохидлар тамонидан имзоланади ва экспертизага тақдим этилади. Бундан ташқари ҳодиса содир бўлган жойда мурда ёки унинг қисмлари ёки юборилган жойлардан ёғоч ёки пластмасса белкурак билан 50мгдан кам бўлмаган турли соҳаларидан кул намуналари олинади. Олинган намуналар алоҳида белги (номер) қўйилган қоғоз пакетларга солинади. Мурдани ёқишида ишлатилган ёқилғидан 100,0 г дан кам бўлмаган миқдорда олиниши лозим. Юқорида кўрсатиб ўтилган объектларда фақат фанер ёки картон кутилардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу билан биргаликда ўрамларни ўрашда уларни механик шикастланишлардан ҳимоя қилиш лозим.

Марҳумнинг шахсини аниқлаш мақсадида ва бошқа жароҳатлар бўлганда пешона, иккита чакка, тепа ва энса соҳаларидан, шунингдек жароҳатланган соҳадан соchlар олинади. Бунинг учун ҳар бир соҳадан 15-20 тадан соchlар соч пиёзчаси ва қин халтаси билан юлиб олинади. Ҳар хил соҳалардан олинган соchlар алоҳида-алоҳида пакетларга солинади ва умумий пакетга жойлаштирилади, пакет елимланади, ип ёрдамида тикилади ва ипларнинг охирларига қоғоз бўлаги бириктирилиб муҳрланади.

Б.Б.Хидоятов таъкидлаганидек, кўпгина ҳолатларда терговчилар экспертиза аҳамиятини тушунмасдан, унга ишончсизлик билан қараб, ўзларининг билимларига таянишга ҳаракат қиласидилар, лекин баъзи ҳолатларда фақатгина экспертиза ёрдамигина жуда мураккаб ва чалкаш жиноятларни очиши мумкин эканлигини унутиб қўйишади.

Е.Р.Россинскаянинг фикрича, экспертизани терговчи ва суд томонидан берилган топширикқа мувофиқ, фактик маълумотларни аниқлаш мақсадида, маҳсус билимга эга бўлган шахс-эксперт томонидан унга тақдим этилган экспертиза обьектлари бўлган ашёвий далиллар ва турли ҳужжатларни таҳлил қилишдир.

А.Р.Шляхов “экспертиза деганда, жиноят иши бўйича обьектив ҳақиқатни аниқлаш мақсадида, терговчи ва суд томонидан берилган топширикқа асосан, конун талабларидан четга чиқмаган ҳолда, маълум бир фан, техника, санъат ва касб-хунардаги билимларига таяниб, фактик маълумотларни эксперт хулосаси орқали аниқлшга қаратилган ҳаракатни процессуал тушуниш керак”, деб ўринли таърифлаб берган.

Д.А.Харченко “экспертиза-жиноят ишини мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида, терговчи ёки суд томонидан берилган экспертиза обьектлари бўйича ҳужжатлар ёки фактик маълумотларни таҳлил қилишдан иборат маҳсус билимлардан фойдаланишнинг асосий шакли ҳисобланади”деб таъриф берган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечиришда суд тиббиёт экспертларининг иштироки жиноят изларининг тўғри олиниши, расмийлаштирилиши ва кейинчалик жиноятни очиш ва айбланувчиларнинг фош этилиши нуқтаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун амалиётда очиқ содир этиладиган жиноятлар юзисидан жиноят содир этилиши жойини қўздан кечиришда эксперт мутахассисларнинг иштирокида кенгроқ фойдаланиш тавсия қилинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони// Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Пўлатов.Ю.С, Жалолов.Ш.Р, Жумаев. С.Қ Суд экспертизаси воситаларидан фойдаланган ҳолда жиноятларнинг олдини олиш. Т..“ТОҲТБЮ” нашриёти, 2015

3. Ҳидоятов.Б.Б. Следственный действия, проводимые в уголовном процессе. Ташкент: ТГЮИ 2006.194.С

4. Россинская Е.Р. Судебная экспертиза в уголовном, гражданском, арбитражном процессе.М1996.С.5

5. Шляхов А.Р. Судебная экспертиза: организация и проведение.-М:Юрид.лит., 1979.-С.7

6. Харченко.Д.А. Судебная экспертиза в российском уголовном судопроизводстве: Автореф.дис..2006.С-17.